"ТАСДИҚЛАЙМАН"
**Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**
______________ **Х.Казакбаев**
13 _08_ 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

*(техническое задание)*

## Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари

**БУЮРТМАЧИ:** Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

**Наманган-2022**

Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | **Асосий талаблар** *(основный требования)* | **Асосий маълумот ва талаблар** *(основный информация и требования)* |
|---|---|---|
| 1. | Буюртмачи *(заказчик)* | Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси |
| 2. | Тўлов шартлари *(условия оплаты)* | «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида шартнома тузилгандан сўнг, бажариладиган ишлар бўйича ишни бошлашдан олдин шартнома суммасининг 30% миқдорида тўлов тўлаб берилади ва тасдиқланган Ф-2 Ф-3 га асосан Пудратчи томонидан 10 кун муддат ичида суммани ўтказишни амалга оширади. *(После заключения договора между «Заказчиком и «Исполнителем», до начало работ по выполненным работам, производится оплата в размере 30% от суммы договора и Исполнитель перечисляет сумму в течение 10 дней в соответствии с утвержденным актом Ф-2 Ф-3)* |
| 3. | Тўлов валютаси *(валюта платежа)* | Миллий валюта – сўм *(сум)* |
| 4. | Хизмат кўрсатиш шартлари *(условия оказания услуг)* | Техник топшириқлар Буюртмачининг манзили (Наманган шаҳар Оромгоҳ кўча 3-уй) ва телефон рақами (+99869-234-27-69) кўрсатилган ҳолда амалга оширилиш лозим. *(Технические задания оформляются с указанием адреса г.Наманган ул Оромгох дом-3) и телефона (+99869-234-27-69) Заказчика)* |
| 5. | Етказиб бериш вақти *(срок поставки)* | 2022 йил 08 ойининг учинчи ўн кунлиги |
| 6. | Молиялаштириш манбаи *(источник финансирокания)* | Бюджет |
| 7. | Танлов шартлари *(условия выбора)* | Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши. |

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
**Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи**
__________ **Х.Казакбаев**
13 08 2022 йил

# Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**БУЮРТМАЧИ:** Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

**Наманган-2022**

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

**1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси**

| № | Номи | миқдори |
|---|---|---|
| 1 | Наманган шаҳар А.Темур кўчасини кўкаламзорлаштириш минтақасини суғориш тизимини қуриш ишлари. Жумладан: суғориш тармоғи, 2 дона насосхона қуриш, 2 дона 9м3 хажмли сув сақлаш идишлари ўрнатиш. | 1900 метр |

**1.2.** Танлов қиймати **316 861 141** *(уч юз ўн олти миллион саккиз юз олтмиш бир минг бир юз қирқ бир)* сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.3.** Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 календар кун.

**1.5.** Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1.** Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Наманган шаҳар Оромгоҳ кўчаси 3 уй

**2.2.** Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

**2.3.** Танлов Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси -“Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма мабларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг молжалланаётган хажми *(50 фоиздан кам бўлмаган холда)*;

Низом маблағи микдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар *(хизматлар)*ни бажариш билан боғлиқ фаолиятқонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

**4.1.** Иштиркчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар кўрсатилиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиқ бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид коммиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор вабул қилишга ҳақли. Товарнии (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси,агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт.Танлов хужжатларинингқоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

«КЕЛИШИЛДИ»
Наманган шаҳар молия бўлими мудири
________З.Мўминов
«__2__»____май____2022 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари
________А.Исмаилов
«__2__»____май____2022 йил

## Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар

## МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

| № | Объектларнинг номи ва жойлашган манзили | Қурилиш бошланиши ва тугалланиш йили | Лойиҳавий қуввати, тегишли ўлчов бирлик-ларида | Пудрат шартномаси тузилиши вақтига қурилишнинг умумий қиймати (млн сўм) | Пудратчи қурилиш ташкилотлари |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Наманган шаҳар «Янги қурилиш» ва «Баркамол авлод» МФЙ кириш қисмига замонавий кириш дарвоза(стелла)ни ўрнатиш ишлари | 2022 йил | 2 комплект | 50,0 млн сўм | Танлов асосида |
| 2 | Наманган шаҳар Бобуршоҳ, А.Навоий, А.Темур (технопарк олди фонтан атрофидаги насос станцияси) кўчаларидаги суғориш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари | 2022 йил | Объект | 72,0 млн сўм | Танлов асосида |
| 3 | Наманган шаҳар (уч фаввора, Чорсу ҳиёбони Уйчи кўчаси, Тинчлик ҳиёбони, вилоят ва шаҳар ҳокимлиги фавворалари) кўчаларидаги суғориш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари | 2022 йил | Объект | 81,0 млн сўм | Танлов асосида |
| 4 | Наманган шаҳар (Хотира ҳиёбони ва фаввора, Чорсу ўтиш йўли, Н.Номонгоний ҳиёбони, Машраб ҳиёбони, Навоий театри, Ўзбекистон кинотеатри насос пункти, Навоий кўчаси ва айланма йўли) кўчаларидаги суғориш тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари | 2022 йил | Объект | 75,0 млн сўм | Танлов асосида |
| 5 | Наманган шаҳрининг А.Темур кўчасида (Хамкор банкдан-Вокзал марказий фавворасигача) гулхоналарга суғориш тизими қуриш | 2022 йил | 1800 метр | 351,0 млн сўм | Танлов асосида |
| | Жами | | | 629,0 млн сўм | |

Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Х.Казакбаев